

ХІХ АСР ОХИРИ-ХХ АСР БОШЛАРИДА МИРЗАЧЎЛ ДЕМОГРАФИЯСИ ХУСУСИДА

Туркистон халки рус босқинигача бўлган даврда уч хонлик ўртасида бўлиб турган низолар, ер талашишлар, хонлик тахти учун курашлар ва маҳаллий феодаллар зулми таъсирида ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни ўз бошидан кечирди. Хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлар туфайли иқтисодий ва маданий ривожланиш даражаси жуда паст эди. Айниқса, саноат ишлаб чиқаришнинг йўқлиги, аҳолининг асосан майда хунармандчилик, косибкорлик билан кун кечиришга мажбур этар эди. Чўл ва даштликларда кўчманчи чорвадор аҳоли истиқомат қилишар, ўз маҳсулотларини атрофдаги дашт-тоғ аҳолиси етиштирган дон маҳсулотлари билан айирбош қилиб кун кечирганлар. Сирдарё, Зарафшон ҳавзаларида чўл атрофида каттагина майдонлар эса кўчманчи қирғизлар ва қозоқлар учун яйлов вазифасини ўтар эди.

Россияда XVIII-XIX асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият крепостнойчиликнинг бекор қилинишига олиб келди. Ҳали саноат тармоқлари ривожланмаган Россия учун мамлакатда ерсиз озод деҳқонларнинг кўпайиб кетишига олиб келди. Янги елар излаб деҳқонлар бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга, бир губерниядан иккинчисига кўчиб ўта бошладилар. Украина, Белоруссия ва Польша деҳқонлари Дон, Днепр, Волга соҳилларига келиб ўрнашдилар. 1860-1870 йилларда Дон ҳарбий вилоятига 157, 8 минг аҳоли кўчиб келган ва шундан 57,6 минг киши қайта кўчиб кетган [1,81-б.]. XVIII асрнинг 60 йиллари ва XIX асрнинг 20-йиллари мобайнида Россияга 100 минг немис колонистлари келиб ўрнашган эди. 1878-1915 йиллар мобайнида Россияга кўчиб келувчи чет элликлар Германия, Венгрия, Польша, Австрия, Туркия аҳолиси ва Эрон озарбайжонлари эвазига 3,5 миллион нафарни ташкил этди. Ўз навбатида, Россиядан чегара ўлкаларга - Сибирга, Ўрта Осиёга, Кавказга руслар ва Россиядаги бошқа миллат аҳолиси кўчиб кетдилар [2, 10-11 б.].

Туркистонга кўчиб келувчи руслар ва бошқа миллат вакиллари Еттисув, Сирдарё, Фарғона, Самарқандга келиб ўрнаша бошладилар. Кўчиб келувчиларнинг аксарияти рус ҳарбийлари, казак зобитлари, дворянлар, савдогарлар, мешчанлар, деҳқонлар ва қисман темир йўл ишчиларидан иборат эди.

Мирзачўлда ташкил этилган рус қишлоғи Духовскийдан Романовский қишлоғига кўчиб ўтган 45 хўжаликнинг (жами 198 киши) Россиянинг қайси губернияларидан кўчиб келганлигини кўриб чиқсак, улар асосан Самара губерниясидан (50 киши), Новороссийск шаҳридан (31 киши), ва Кўкчадов уездидан (56 киши) бўлганлиги аниқланади. Қолганлари Саратов, Полтава, Оренбург, Тамбов, Тула, Астрахан, Черноморск губернияларидан кўчиб келган.

Бу каби кўчиб ўтишлар Мирзачўлдаги барча, яъни 12 та янги ташкил этилган рус қишлоқларига алоқадор эди. 1900-1903 йилларда Запорожский, Конногвардейский, Надеждинский ва бошқа қишлоқлардан кўчиб ўтган аҳоли Ахмонкўл ва Сирдарёда ўзларининг ўзбошимча ҳолдаги қишлоқларини шакллантирдилар.

Россиядан кўчиб келган аҳолининг Ўрта Осиё, айниқса Мирзачўл иқлимига мослашиш жараёни оғир кечди. Шунинг учун князь Романов кўчиб келган аҳолини уй-жой ва иш билан таъминлашга ҳаракат қилди. 1885 йили Бекобод ҳудудларидаги «Хўш-Туёқ» қишлоғига қарашли ерлардан 50 десятинаси боғ учун ва 19 десятинаси ҳовли қуриш учун сотиб олади. Биринчи қурилган Запорожский қишлоғида 11 йил давомида 1896 йилгача, 300 га яқин оила яшаб келди, 1897 йидда канал қурилиши якунига етиши туфайли аҳоли янги иш излаб, бошқа қишлоқларга кўчиб кета бошлади. 1906-1908 йилларда 40 дан ортиқ оила уй-жой билан таъминланмаганлиги сабабли, 1908-1913 йиллар давомида қишлоқдан бошқа ерларга кўчиб кетишди.

1886 йилда канал қазини ишини чап соҳилда бошланиши билан Шалтуқай сойлиги атрофида яна бир қишлоқ барпо этилди. Дастлаб 3 та оила кўчиб келган бўлса, 1888 йилга келиб кўчиб келган оилалар сони 30 га яқинлашган. 1892 йили ҳовлилар сони 50 тага яқин бўлган.

Мирзачўлда барпо этилган рус қишлоқларида аҳолининг доимий яшаб қолиши учун шароит етишмас эди. Безгак, тиф касалликлари ҳамда чигиртка хужумининг такрорланиши сабабли аҳоли қулай жой излаш билан овора бўлар эди. Бу ҳақда В.Ф.Караваев ҳам ёзган эди [3,93-94 б.].

1903-1907 йилларда Надеждинский қишлоғида қишлоқ-хўжалик ишларининг изга тушиши аҳолини ўтроқлашиши учун имкон туғдирди. 1907 йилга келиб хўжаликлар сони 60 тага етди. 1914 йилда эса улар 160 тани ташкил этган эди [3,95-б.].

1887 йили ташкил этилган Романовский қишлоғида дастлаб 13 та оила уй-жой билан таъминланди. 1892 йили 20 оила келиб қўшилди. 1899 йилда генерал-губернатор С.М.Духовский таклифи билан яна 41 та оила жойлаштирилган. Шу тариқа бирин-кетин Мирзачўл ҳудудида ўндан ортиқ қишлоқ ва станция посёлкалари ташкил этила бошланди.

1885-1899 йиллар аҳолининг Мирзачўлга келиб ўрнашиши, янги уй-жойлар қурилиши, одамларнинг янги муҳит ва шароитга мослашиши даври бўлди. Бу босқичда кўчиб келган рус аҳолиси маҳаллий аҳолидан (уларни чоризм маъмурлари «туземецлар» деб аташган) буткул ажралган ҳолда яшаган ва ҳаёт кечирган. Понятовскийнинг берган маълумотларига кўра, Мирзачўлдаги рус қишлоқларида дастлабки 10-15 йиллар мобайнида аҳолининг кўпайиши кузатилмаган. Динамик ўсиш даражаси жуда паст бўлган. Энг кўп аҳоли яшаган қишлоқ Сретенский бўлиб, унда 660 та жон, Надеждинскийда 315та жон, Никольскоеда 313, Запорожскийда 210, Волинский-II да 180, Романовскийда 106, Обетованныйда 91, Волинский I да 82, Конногвардейскийда 53 та жон, жами 1986 киши истиқомат қилган [4, 26-в.].

Статистик маълумотларга кўра, Мирзачўлда аҳолининг ўсиш даражаси Россия Европаси, Сибир, Кавказ ва Ўрта Осиё маҳаллий аҳолисига нисбатан кам фоизни ташкил этган.

Запорожский, Волинский-I, Конногвардейский, Сретенский қишлоқларида ҳар бир ҳовлига ўртача ҳисобда 5 киши, Романовский, Надеждинский, Обетованний ва Волинский-II қишлоқларида эса ҳар бир ҳовлига ўртача 3 киши тўғри келган. Рус қишлоқларининг барчасида ҳар бир ҳовлига ўртача ҳисобда 2 та бола тўғри келган. Аҳолининг 50-55% ни эркаклар ташкил этган.

Кўчиб келган аҳоли Россиянинг турли губернияларидан бўлиб, уларнинг диний эътиқодлари ҳам турли оқимларга алоқадор эди. Диндорлар ичида православлар кўпчиликини ташкил этган бўлиб, деярли 76 % га тенг эди. Қолганлари молуканлар (4,0%), баптистлар (8,86%), раскольниклар (8,46%) ва бошқалардан (2,6%) иборат эди.

Табақавий таркибига кўра эса, деҳқонлар - 78 %, ҳарбий ва кичик амалдорлар 14,2 %, савдогарлар ва тадбиркорлар - 5,0%, йирик амалдор ва бой зодагонлар 0,34%, руҳонийлар - 0,14 % ни ташкил этган [5, 183-185 б.].

Молуканлар Верхне-Волинский, Романовский қишлоқларида, баптистлар Нижне-Волинский, Никольское қишлоқларида, раскольниклар Николаевский, Надеждинский ва Сретенский қишлоқларида яшаганлар.

Кўчиб келган аҳоли дастлабки йилларда асосан ички хўжалик ҳаёти билан банд бўлган. Ўз хўжаликларида мева дарахтлари, сабзавот экиш, чорва боқиш билан шуғулланишган. Сретенский қишлоғи аҳолиси кўпроқ чорвага эътибор қаратган, жамоа учун умумий подачи ёллашган. Чорвани сотишдан олинган даромад эвазига черков ва маҳаллий бошқармага солиқ тўлови жорий этилган.

Никольское ва Обетованнийда жамоат ишларига эътибор кам бўлган. Буюк княз ариғидан бутун қишлоқ фойдаланиш имконига эга бўлганига қарамай, деҳқонлар ернинг ҳосилдор эмаслигидан, шароит ёмонлигидан доимо нолиган. Волинский қишлоғи аҳолиси эса, аксинча, сув, етарлича бўлмаса-да, хўжаликларини мустаҳкамлаш, даромадни ошириш, ҳатто бир неча оила биргаликда жамоа ерларида ишлашни маъқул кўрганлар.

Конногвардейский аҳолиси 9та ҳовли, 11 оиладан иборат бўлиб, ўз оқсоқолини сайлаган. Қишлоқда ер тақсими, сувдан фойдаланиш, уй-жой қуриш, мол боқиш ва чорвага қараш, ички тартиб-қоидаларга риоя қилиш каби ишлар доимо оқсоқол раҳбарлигида умумжамоа назорати остида бўлган. Қишлоқ жамоаси келишувига кўра, аҳоли сув келтиришда, ерга ишлов беришда, ҳовли ва уй-жойларни режалаштиришда умумий йиғилиш қарорига бўйсунган [4,40-в.]. Қишлоқ кўчалари кенг, ҳар бир хонадон олдидан ариқ ўтказилган. 1897 йилда сув танқислиги сабабли, экилган дарахтлар қурий бошлаган. Аҳоли келишган ҳолда навбат билан ўзаро ёрдам ишларини амалга оширишга ҳаракат қилган. Қишлоқда бирон-бир хонадон аҳли касал бўлиб қолса, жамоа оқсоқоли маслаҳати билан навбат тариқасида қўшнилар ёрдам берар, сигири соғилар, ерига ишлов берилар эди. Конногвардейский қишлоғи

эркаклари хунармандчиликда ҳам уста бўлишган. Уларнинг кўпчилиги бирон-бир касб эгаси ва ўқимишли бўлган.

Волинский-I ва Волинский-II қишлоқларидаги ижтимоий ҳаётга келсак, бу ерда бошқа қишлоқлардан фарқли ўлароқ артеллар ташкил этилганлиги билан ажралиб турарди. Бир неча ҳовли артелга бирлашиб, қишлоқ хўжалиги меҳнат қуролларига биргаликда эгалик қилишган, қурилиш, темир йўлда ишлаш учун жамоа тузишган, аёллар бичиш-тикиш ишларини ҳам артел таркибида олиб боришган.

Шундай бўлса-да, жамоа орасида табақаланиш кучли бўлган. Қишлоқда йирик кўрғон эгаси бўлган бадавлат оилалар ва ертўлада факирона ҳаёт кечираётган оилалар ҳам бўлган. Иқтисодий бақувват баптист ёки молокан икки қаватли уй эгаси бўлса, унинг ён қўшнисини уй қуриш имконига эга бўлмаган православ оиласи бўлган. Айрим баптист оилаларда 20 бош қорамол, қишлоқ хўжалик аслахалари, бир қанча десятин ери бўлган бўлса, ёнидаги мужик ёзи билан темир йўл станциясида ишлаган, яхши даромад кўрмасдан, кулбасида қишни ўтказишга мажбур бўлган. Оғир шароитга тушиб қолган рус оилаларида болалар сони кўп бўлган.

Никольское, Сретенский ва Надеждинский қишлоқларида черков бўлган. Черковлар князь Романов ва ҳукумат маблағи эвазига бунёд этилган.

1886-1897 йилларда Сретенский қишлоғида ҳукумат мактаби бўлган, қолган қишлоқларда болалар таълимни ўз оилаларида олишган. Архив маълумотларида бу даврга оид мактаб қурилиши ва моддий таъминот ҳақида маълумот учрамайди. Демак, Мирзачўлга рус аҳолисини кўчириб келтириш жараёнида чоризм ҳукумати бу ерда канал қазиш, сув чиқариш, янги ерларни ўзлаштириш, пахта экишни ривожлантиришни асосий мақсад қилган. Самарқанд вилоят бошқармаси Хўжанд ва Жиззах уездларига қарашли бўлган Мирзачўлдаги янги қишлоқларда аҳоли кўпайганини ҳисобга олиб, 1898 йил декабрида Мирзачўлда янги - Иржар волостини ташкил этишга руҳсат берди.

1899-1914 йиллар Мирзачўлга сув чиқаришнинг якунланиши, темир йўл қурилиши, кўчиб келган рус аҳолисининг ўтrockлашиб қолиши билан изоҳланади. Темир йўл ёқасида янги станциялар пайдо бўлди; Велико-Алексеевский, Самсоново, «Золотая Орда», Черняево, Хилково ва бошқа қишлоқлар барпо қилинди. Туркистонда рус ҳукуматининг таъсирини кучайтириш ва руслар мавқеини ошириш мақсадида Мирзачўл ҳам мустамлака ҳудудлардан бирига айлантирилди.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати:

1. Тезисы докладов Всесоюзной конференции по истории демографии. Часть 1. -М., 1991.
2. Кабузин В.М. Иммиграция в Россию в XIX- нач.XX вв. /Тезисы докладов Всесоюзной конференции по истории демографии. Часть 1 – М., 1991.
3. Қаранг: Караваев В.Ф. Голодная степь в ее прошлом и настоящем.- СПб.,1914.
4. ЎзРМДА. Фонд И-7, рўйхат 1, иш 26-98.
5. Дробишев В.З, Ковальченко И.Д., Муравьев А.В. Историческая демография СССР.-М.,1973.